Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 22-may, payshanba № 62 (3411)

Халқимиз тинчлик ва фаровонлик, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик ғояларини маслак ва мақсад этиб яшамоқда.

Ислом КАРИМОВ

ЎЗАРО ИШОНЧЛИ МУНОСАБАТЛАРНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин билан учрашув ўтказиш ҳамда Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг IV саммитида иштирок этиш учун Хитой Халқ Республикасига ташриф буюрди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва ХХР Раиси Си Цзиньпин Хитой раҳбарининг Шанхай шаҳридаги қароргоҳида учрашув ўтказди. Суҳбат чоғида томонлар мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолатини юксак баҳолади ва ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболларини белгилашда бундай учрашувлар муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидладилар.

Давлатимиз раҳбари ўзаро ҳамкорлик изчил ривожланаётганини қайд этиб, Хитой раҳбарига самимий қабул учун миннатдорлик билдирди.

ХХР Раиси мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шерикликни мустаҳкамлаш тарафдори эканини таъкидлади. Си Цзиньпин Ўзбекистон раҳбари билан бундан буён ҳам яқин шахсий мулоқотни давом эттиришга, икки томонлама муносабатларда «янада юксак марраларга эришиш учун барча саъй-ҳаракатларни ишга солишга» тайёр эканини қайд этди.

Хитой раҳбари давлатларимиз ўртасида минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш лозимлигини таъкидлади. Си Цзиньпин Ўзбекистон минтақадаги муҳим давлат эканини қайд этиб, Осиё мамлакатлари ўртасидаги ишончни, минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт борасида мамлакатимиз билан ўзаро саъй-ҳаракатларни бирлаштиришни таклиф этди.

Ислом Каримов ва Си Цзиньпин ўзаро ҳамкорликка доир қатор масалаларни, жумладан, сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш масаласини атрофлича муҳокама қилди.

Давлат раҳбарлари минтақавий ва халқаро аҳамиятга эга долзарб масалалар юзасидан фикр алмашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг Шанхай шаҳрида бўлиб ўтган IV саммитида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш қитъада ҳамкорликни мустаҳкамлаш, тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган халқаро форумдир. Бугунги кунда Кенгашга 24 давлат аъзо. Тўққиз мамлакат ва тўрт халқаро ташкилот унинг кузатувчиларидир.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида таъкидлаганидек, бугун дунёда рўй бераётган таҳликали, беқарор сиёсий ва иқтисодий воқеалардан хавотирга тушмаган давлат, жамият бўлмаса керак. Бу, ўз навбатида, халқаро хавфсизликка ҳам таъсир ўтказмасдан қолмайди. Сўнгги вақтларда жаҳоннинг айрим минтақаларида юзага келаётган вазиятни кузатар эканмиз, барқарорликни издан чиқарувчи омиллар — куч ишлатиш ва зўравонлик хавфи тобора кучайиб бораётганини афсус билан қайд этмоқ лозим. Халқаро терроризм, экстремизм, наркотрафик хавфи, миллатлараро ва конфессияларо қарама-қаршиликлар ҳам камайгани йўқ.

Ислом Каримов саммит қатнашчилари эътиборини муҳим масала — ишонч масаласига қаратди. Ўзбекистон раҳбари қарама-қарши томонларни муросага келтириш учун, авваламбор, улар ўртасида юзага келган муаммони ҳал этишга қаратилган ўзаро хайрихоҳликка эришиш зарурлигини таъкидлади. Акс ҳолда, улар ўртасидаги барча музокаралар бир-бирига эътироз билдиришдан нарига ўтмай қолиши ва бу ҳолат чексиз давом этавериши мумкин. Бу, ўз навбатида, дунёнинг турли минтақаларида ҳал этилмай келаётган зиддиятларни юзага чиқаради. Фақат ўз манфаатини кўзлайдиган ташқи кучлар ушбу зиддиятларнинг авж олиши ва ҳатто чегарадан чиқиб кетишига сабаб бўлмоқда. Бироқ, вазият қандай тус олмасин, бундай зиддиятларнинг асосий сабаби бир-бирига қарши курашаётган томонлар ўртасида ўзаро ишончнинг йўқолишидир. Бу ишончни қайта тиклаш ва албатта мустаҳкамлаш зарур.

Президентимиз ишонч — бу муҳим элемент ва асосий мажбурият эканини, бусиз тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги ҳар қандай музокаралар жараёнида баҳсли масалаларни ҳал этиш, ўзаро тушуниш ҳамда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш сари қўйилган мақсадларга эришиб бўлмаслигини таъкидлади. Аммо экспертларнинг фикрича, замонавий дунёда, биринчи навбатда, халқаро муносабатларда ўзаро ишонч мустаҳкамланиш ўрнига сусайиб бормоқда.

Юзага келаётган реал вазият бугун ушбу масалалар ўз ечимини талаб қилаётган ғоят долзарб муаммолар эканини кўрсатмоқда. Аксарият таҳлилчилар бугунги кунда жаҳондаги вазият шиддат билан ўзгараётгани ва глобаллашув кўлами кенгайиб, хомашё ресурслари ва коммуникацияларни назорат қилиш бўйича геосиёсий рақобат кучайиб бораётгани, беқарор давлатларда бўлгани каби ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасида ҳам даромад тенг тақсимланмаётгани бундай ҳолатлар юзага келишининг асосий сабаблари, деб ҳисоблайди.

Ислом Каримов таъкидлаганидек, бугунги кунда радикализм, халқаро терроризм, экстремизм ва наркотрафик мафкураси бир мамлакат ёки муайян минтақа муаммоси эмас. Бу муаммолар миллий чегарани билмайди, айниқса, ёш авлодни ўз домига тортмоқда. Давлатимиз раҳбари терроризмни фақат ислом дини билан боғлаш мутлақо нотўғри ёндашув эканини алоҳида қайд этди.

Кўпгина экспертларнинг фикрича, халқаро бошқарув институтларининг мувофиқлаштирувчи роли, биринчи навбатда, халқаро ҳуқуқнинг асосий нормаларига қатъий риоя этиш бўйича ягона ёндашувнинг заифлашгани вазиятнинг тобора кескинлашувига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон давлатлараро ва халқаро даражадаги ишончни қайта тиклаш ва мустаҳкамлаш, шубҳасиз, дунёда зиддиятли жараёнлар кучайишининг олдини олишда муҳим таянч ва асосий тўсиқ, нотинч минтақаларда ўзаро курашаётган марказларнинг бир-бири билан рақобатлашишининг, вазият кескинлашуви ва издан чиқишини тўхтатишнинг ишончли ва муҳим воситаси, деб билади.

Шу муносабат билан, давлатимиз раҳбари Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин нутқида Осиёда хавфсизликнинг янги концепциясини ишлаб чиқиш бўйича билдирилган таклифлар эътибор ва қўллаб-қувватлашга лойиқ эканини, ўзаро ишонч, манфаат, тенглик ва ҳамкорлик каби принципларни амалга ошириш ушбу концепциянинг асосий мақсадлари бўлиши даркорлигини таъкидлади. Ижтимоий тизим ва унга ёндашувдаги қарама-қаршиликларни бартараф этиш, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик муҳим вазифадир. Шунингдек, минтақавий иқтисодий ҳамкорликни изчил ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, савдо ва инвестиция фаолияти учун қулай шароитлар яратиш, транспорт-коммуникация ва энергетика соҳаларида йирик қўшма инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш, замонавий юқори технологик ишлаб чиқариш ва қувватларни ташкил этишга доир таклифлар ҳам қўллаб-қувватлашга лойиқ. Президентимиз замонавий дунёда талаб юқори бўлган бундай янгича ёндашувлар бугунги кунда айниқса муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Ўзбекистон раҳбари қўшни Афғонистонни ривожлантириш истиқболлари тўғрисида ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Бугун шуни ишонч билан айтиш мумкинки, Афғонистон муаммосини ҳал этишдан манфаатдор барча томонлар бир фикрда якдил — Афғонистонда ҳарбий йўл билан тинчлик ўрнатиб бўлмайди. Ислом Каримов Ўзбекистон бу фикрни НАТОнинг 2008 йил апрелдаги Бухарест саммитида ҳам илгари сурганини қайд этди.

Можарони бартараф этишнинг ягона тўғри йўли — сиёсий йўл бўлиб, музокаралар орқали қарама-қарши томонларнинг ўзаро келишувига эришиш, мамлакатнинг асосий миллий-этник гуруҳлари вакилларидан иборат ҳукуматни шакллантиришдир. Ўзбекистон раҳбари Афғонистонда президент сайловининг иккинчи босқичи қонун доирасида ўтказилишига умид билдирди ва бу жафокаш Афғонистон халқи учун тинч ҳаёт сари йўл очиб бериши мумкинлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Афғонистоннинг яқин қўшниси сифатида унинг ички ишларига аралашмаслик, ҳамкорликни фақат икки томонлама асосда ташкил қилиш, Афғонистон халқи сайлаган ҳукуматни қўллаб-қувватлаш сиёсатида қатъий туради.

Ўзбекистон муросага келаётган томонлар олдига нафақат музокара жараёнини чўзадиган, балки кескинликнинг яна авж олишига, зиддият ва тортишувларнинг янада кучайишига олиб келадиган шартлар қўйилиши мутлақо самарасиз ва бунга сира йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблайди. Афғонистондан АЙСАФ тинчликпарвар кучларининг чиқарилишига келсак, ушбу мамлакатда юзага келган вазият қўшинларни 2014 йилнинг охирига қадар олиб чиқиб кетиш якуний муддатини узайтиришни талаб қилади.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш олдида қандай мураккаб, ҳал этиш мушкул бўлган муаммолар турганини яхши тасаввур қилишини таъкидлади. Ушбу вазифаларнинг ҳал этилиши давлатлар ўртасидаги муносабатларни янада яхшилаш, кескинлик ва қарама-қаршиликларни юзага келтирадиган сабабларга барҳам бериш борасидаги барча саъй-ҳаракатларимизни оқлаши мумкин.

Президентимиз Ислом Каримов Хитой Халқ Республикасининг Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашга раислик қилиши Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги мураккаб муаммоларни ҳал этишда муҳим рол ўйнашига ишонч билдирди. Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашга раислик 2016 йилгача Хитойга ўтди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Хитой Халқ Республикасига ташрифи ниҳоясига етди. Президентимизнинг ХХР Раиси билан ўтказган учрашувлари икки давлат раҳбарлари ўртасидаги ишончли муносабатларга, мамлакатларимизнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлигини стратегик шериклик руҳида ривожлантиришга хизмат қилади.

Баҳодир ЭРГАШЕВ,
ЎзА махсус мухбири
Тошкент — Шанхай — Тошкент.

Ёшларга оид давлат сиёсати самараси

Ёшлар ижод саройида «Ватаним тараққиётига менинг ҳиссам» шиори остида ёшлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, кўрсатилаётган хизматлар ва яратилган инновацион ғоялар кўргазмаси бўлиб ўтди. Тадбир Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши ва бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди. Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ш.Турдиқулов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида ушбу соҳада меҳнат қилаётган ёшлар сафи тобора кенгайиб бораётганини таъкидлади.

Навбат навқирон авлодга

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори асосида бу йўналишда амалга оширилаётган ишлар салмоғи янада ошмоқда.

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти учун яратилган шароит ва имкониятлар туфайли ўз бизнесини ташкил этган аксарият ёшлар рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, аҳолига сифатли хизмат кўрсатаётир. Мазкур кўргазма ана шундай фаол ёшлар қўлга киритаётган ютуқларни янада оммалаштиришга хизмат қилади.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти талабаси Севара Худойберганованинг оилавий тадбиркорлик асосида қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаси 2012 йили «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» танловида ғолиб деб топилган эди. Натижада ёш тадбиркорнинг бизнес-режаси учун «Ипотека» банкдан 19 миллион сўм кредит ажратилди. Бугунги кунда оилавий корхонада ойига ўн миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга етказилмоқда.

— Келгусида корхонамиз фаолиятини янада кенгайтириб, маҳсулотларимиз турини оширишни режалаштирганмиз, — дейди С.Худойберганова. — Биз, ёшлар учун яратилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланиб, Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш фарзандлик бурчимиздир.

Кўргазмада бир юз йигирма нафардан зиёд ёш тадбиркор ишлаб чиқараётган маҳсулотлар, миллий ҳунармандлик буюмлари ва хизмат кўрсатиш турлари намойиш этилди. Шу билан бирга, мазкур кўргазмада пойтахтимиздаги олий ўқув юртлари талабалари томонидан амалга оширилаётган илмий изланишлар ва яратилаётган инновацион ишланмаларга ҳам кенг ўрин берилди.

Тадбирда банк, солиқ, божхона соҳаси мутахассислари ёшларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш, кредит олиш имкониятлари, солиқ имтиёзлари, улардан фойдаланиш қоидалари, божхона хизматлари, тадбиркорлик субъектларига бу борада берилган имтиёзлар хусусида маълумот берди. Ёшлар пойтахтимиздаги корхона ва ташкилотларда мавжуд бўш иш ўринлари билан танишиш имконига ҳам эга бўлди.

Кўргазма доирасида ёш дизайнерларнинг ижодий ишлари намойиши ва санъаткорларнинг чиқишлари ташкил этилди.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири.
Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги фотомухбири Ёлқин ШАМСИДДИНОВ олган сурат

КАМОЛОТ САРИ

Юртимизда келажагимиз эгалари бўлган ёшларнинг соғлом камол топишлари учун кенг шарт-шароитлар яратилмоқда. Янгидан-янги спорт мажмуалари қад ростламоқда. Сирдарё вилоятида биргина ўтган йилнинг ўзида 7 та ана шундай иншоот бунёд этилди. Яқинда улар сони яна биттага кўпайди.

Йил туҳфаси

Янгиер шаҳрида Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фойдаланишга топширилди. Бунинг учун 1 миллиард 76 миллион сўм маблағ сарфланди. Машғулот хоналари, спорт зали, ёпиқ ва очиқ сув ҳавзалари кўзни қувнатади.

— Янги бино Соғлом бола йилида шаҳримиз ёшларига катта туҳфа бўлди, — дейди қувонч билан БЎСМ директори Инобат Бобоева. — Футбол, волейбол, баскетбол, бокс, бадиий гимнастика тўгаракларида 822 нафар ўғил-қиз ўз маҳоратига сайқал бермоқда. Ўқувчиларимиз орасида умидли ёшлар жуда кўп. Улар келажакда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қиладилар, дея умид қиламиз.

Анорбой НОРҚУЛОВ

Бунёдкорлик

Ҳам кўркам, ҳам шинам

Юртбошимиз ташаббуси билан 2009 йилдан қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини яхшилаш, сифатли уй-жойлар қуришга қаратилган кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Навоий вилоятида 2009-2013 йилларда 2060 та намунавий лойиҳа асосида уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. Уларни олиш истагида бўлган фуқароларга ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Навоий минтақавий филиали томонидан 120.400 млн. сўм имтиёзли ипотека кредитлари ажратилди.

Навбаҳор туманининг «Бойҳо» ва «Шўртепа» массивларида бўлганимизда ўтган йили қуриб битказилган замонавий уйларда оилалар шодхуррам яшаётганига амин бўлдик. Улар ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси таъминотидан мамнун. Бу йил яна 30 та ана шундай уй-жой қурилиши жадал суръатда олиб борилаётир.

Қизилтепа туманида ҳам намунали уйлардан 10 таси ўтган йил якунида эгаларига топширилди. «Марс — 2000» қурилиш фирмаси фидокор қурувчилари бинонинг сифатли битказилишида янги уй соҳиблари талаб ва истакларини инобатга олаётгани қувонарли.

— Ёшим 65 га етганда шундай кўркам уй-жойга кўчиб ўтдим, — дейди ҳовли тўйи қилаётган Абдуқаҳҳор ота Ғафуров. — Турли-туман гул, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари гузаримизга янгича тароват бағишлаяпти. Инсон қадри улуғланаётган юртда яшаётганимдан бахтиёрман. Саноқли йиллардан кейин бу ерда бутун бошли мавзе ташкил этилишини тасаввур қилишнинг ўзи ҳузурбахш.

Ўтган йил 15 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қурилишининг 2014 йил Дастури тўғрисида»ги Қарори қабул қилинган эди. Хўш, мазкур қарорга мувофиқ жорий йилда қандай ишлар бажарилаяпти?

Ушбу саволга ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Навоий минтақавий филиали бошқарувчиси ўринбосари Асилбек Худойбердиевдан қуйидагича жавоб олдик:

— Соғлом бола йилида республикамизнинг 388 та қишлоқ массивида 11 мингта ана шундай уй-жой қурилиши режалаштирилган бўлиб, шундан 677 таси Навоий вилоятининг 22 массивида жадал суръатда қурилаётир. Шу билан бирга, вилоятнинг янги уй-жой массивларида 20 км. сув, 18 км. электр энергияси ва 26 км. газ тармоқлари уланиб, 16 км. асфалт йўллар ётқизилади. Шунингдек, қарор доирасида янги массивларда жорий йилда 1 та маҳалла гузари, 3 та савдо мажмуаси, 1 та бозор ҳамда 1 та нон ишлаб чиқариш цехи қурилиб, фойдаланишга топширилади. Банк томонидан аҳолига 15 йил муддатга имтиёзли ипотека кредитлари берилаяпти. Оилалар шинам, кўркам ва яшаш шароити шаҳарникидан қолишмайдиган уй-жойларга эга бўлишмоқда.

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

Ибрат

Полвонлик Зубайдулланинг қонида бор. Отаси моҳир ўқитувчи Зиёдулла ака ўз даврининг эпчил ва абжир курашчиларидан бўлган. Зубайдулла дарсдан бўш вақтлари кураш тўгарагига қатнашар, кечқурунлари эса Зиёдулла ака ўғлини бошқалар билан кураш туширириб, завқ оларди.

Даромаддан ўйингоҳ

Қаттиққўл ва талабчан ўқитувчи хонадонида улғайган Зубайдулла зуваласи пишиқ полвон бўлиб етишди. Қишлоқда ўтадиган тўй курашларида нафақат тенгдошлари, балки ўзидан катталарни ҳам йиқитиб, полвон деган ном орттирди.

Олтинсой тумани марказидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мутасаддилари Зубайдулладаги иқтидорни кўриб, уни туман, вилоят ва республика миқёсидаги мусобақаларга олиб боришди. Беллашувлар ва ҳар хил турнирлар Зубайдуллани тоблади. 1999 йили кураш бўйича Тошкент шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон чемпионати мусобақаларида 46 килограмм вазнда ғолиб бўлди.

Бу муваффақият унинг тақдирини белгилади. Чунки айнан Ўзбекистон чемпиони бўлганлиги туфайли уни ТерДУнинг жисмоний тарбия ва маданияти факултетига имтиёзли қабул қилдилар. Ўқишни битиргач, ўзи улғайган «Жоби» қишлоғидаги 4-умумтаълим мактабида ёшларга сабоқ бера бошлади. Кўп давраларни кўрган курашчининг шогирдлари ҳам таниқли полвонлар бўлиб вояга етишди.

Эндиликда Зубайдулла Юсупов туман халқ таълими тизимидаги БЎСМда меҳнат қилмоқда.

Қаҳрамонимиз спорт билангина андармон бўлиб қолгани йўқ. Тадбиркорликка ҳам қўл урди. У Юсуф Сариқулов номидаги фермер хўжалигида иш бошқарувчилик ҳам қилади. Ушбу фермер хўжалиги асосан узумчилик, боғдорчилик ва чорвачиликка ихтисослашган.

Зубайдулла тадбиркорликдан топган даромадини спортни ривожлантиришга сарфлаяпти. У яқинда ўз ҳисобидан туман марказидаги «Марказ» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги қаровсиз ерда сунъий қопламали хусусий ўйингоҳ қурдирди.

— Буюк аждодларимиздан бири Паҳлавон Маҳмуднинг қабр тошидаги «Инсониятга фойданг тегмагунча сени ҳақиқий инсон деб бўлмайди», деган битикни ўқиб, ўйингоҳ қуришни мақсад қилгандим. Мана бугун катта-ю кичик футбол ўйнаб, ҳам ҳордиқ чиқараётир, ҳам соғлиғини тиклаётир, — дейди Зубайдулла Юсупов.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» мухбири

"Ishonch" — Сизнинг газетангиз

Нашр индекси — 133

Июл — декабр ойлари учун обуна бўлишни унутмадингизми?

Ishonch
2014-yil 22-may № 62 (3411)

Танлов

Энг фаол...

Кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши тасарруфидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган иқтидорли мутахассислар ўртасида «Йилнинг энг фаол ёш кимёгари» танловининг илк босқичи бўлиб ўтди.

«Ўзкимёсаноат» ДАК бошқаруви ва Кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ҳамкорлигида ўтказилаётган мазкур танлов изланувчан иқтидор эгаларини аниқлаб, меҳнат жамоаларида улар сафини кенгайтиришга замин яратади.

Танловнинг ушбу босқичида 100 нафарга яқин 35 ёшгача бўлган фаол ёш мутахассислар ўзаро беллашдилар.

Жумладан, Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи унитар корхонасида ўтказилган танловда 14 нафар ёш кимёгар инновацион ғоялари, илмий-техник лойиҳалари, ихтиро ва таклифлари билан иштирок этди. Уларнинг ишлари корхона бош муҳандиси А.Абдураҳмонов раҳбарлигидаги комиссия томонидан муносиб баҳоланди. Танлов якунига кўра, корхона тоғ-кон мажмуаси техник назорат бўлими руда тайёрлаш бўлими муҳандиси Жаҳонгир Боймуродов ғолиб деб топилди. Иккинчи ўринни корхона санитария лабораторияси муҳандис кимёгари Дилором Қўйлиева, учинчи ўринни калий ўғити ишлаб чиқариш цехи янчиш флотация ва концентратни филтрлаш бўлими катта оператори Жонибек Нурбоевлар эгаллади.

«Фарғонаазот» ОАЖда бўлиб ўтган танловда эса 3-аммиак ишлаб чиқариш цехининг муҳандис систематехниги Музаффар Қосимовга 1-ўрин насиб этди. 2-, 3-ўринларга аммиакли селитра ишлаб чиқариш цехининг назорат-ўлчов асбоблари ва автоматлаштириш участкаси устаси Аъзамжон Раҳимбердиев, назорат ўлчов асбоблари ва автоматлаштириш цехи чилангари Жасурбек Иброҳимовлар сазовор бўлишди.

Ғолибларга маъмурият ва касаба уюшма қўмитасининг диплом ва қимматбаҳо совғалари топширилди. Шунингдек, танловда фаол қатнашган бошқа иштирокчилар ҳам Фарғона вилояти «Камолот» ЁИҲ кенгаши томонидан тақдирланди.

Ғолиблар июн ойида тармоқ миқёсида ўтказиладиган республика босқичида иштирок этадилар.

З.ЎРИНБОЕВ,
Кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг бош мутахассиси

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида қатор ҳамкор ташкилотлар ўртасида тузилган қўшма қарорга асосан жойларда йилнинг энг фаол мутахассислари аниқланмоқда.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Қарши шаҳар кенгаши томонидан ўтказилган танловда «Энг фаол ёш ҳунарманд» ва «Энг фаол ёш тадбиркор» номинация эгалари маълум бўлди. Унга кўра, халқ чолғу асбоблари ясаш устаси Суҳроб Иноятов «Энг фаол ёш ҳунарманд» деб топилган бўлса, миллий каштачилик ва гилам тўқиш устаси Фарида Жабборова иккинчи, ёш сандиқсоз Нуржаҳон Маҳмудов учинчи ўринларга эга бўлди. Шунингдек, «Насаф тоза сифат» ОАЖ ходими Феруз Суюнов «Энг фаол ёш тадбиркор» танлови ғолибига айланди. Кейинги ўринлар акфа эшик-ромлари ишлаб чиқарувчи Беҳзод Тошев, «Эверест холдинг пласт» МЧЖ ишчиси Ҳасан Бозоровларга насиб этди.

— Ғолиб ва совриндорлар, шунингдек, ҳунармандлардан Ҳулкар Азизова, Сетора Жабборова, Кумуш Маматова, Сардор Самадов, Дилсора Раҳимова, тадбиркорлардан Дилшод Узоқбоев, Дилнавоз Бўронова, Шакар Ҳамроев фаол иштироки учун дипломлар билан тақдирланди, — деди тармоқ касаба уюшмаси Қарши шаҳар кенгаши раиси Азамат Нурматов.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Юрт бўйлаб

Марокли сафарлар

Самарқандга яна меҳмон келди. Бу галги сайёҳлар қўшни Қашқадарёдан. Касаба уюшмалари осуда ҳаётимиз, фаровон турмушимиз учун турли жабҳаларда ўзини кўрсатган, айни чоғда қарилик гаштини сураётган бир гуруҳ қашқадарёлик отахонларнинг Самарқанд сафарини ташкиллаштирди.

Тонгда Самарқанд вокзалида кутиб олинган нуронийлар ҳазрат Имом ал-Бухорий зиёратгоҳига йўл олдилар. Шундан сўнг Шоҳизинда мажмуасида бўлишди. Вилоят касаба уюшмалари томонидан ташкил этилган нонушта ва дилдан қурилган суҳбатдан сўнг улар Гўри Амир мақбараси, Регистон майдони, шаҳардаги улкан бунёдкорликлар билан танишдилар.

— Саёҳат бизга жуда манзур бўлди. Тўрт кунлик сафар мобайнида мамлакатимиз ҳавас қилгулик даражада ҳусн-тароват касб этганига ишонч ҳосил қилдик. Сал аввал Хоразмда бўлиб, кўнглимиз ёришганди. Мана энди бу табаррук гўшадамиз, — дейди саёҳатчилар гуруҳига раҳбарлик қилаётган оқсоқол Нарзулла Файзиев. — Улуғлар қадамжолари тавофида бўлиш бахтига муяссар бўлганимиздан мамнунмиз.

Тангри Назаров, Касби тумани Майманоқ қишлоғида яшовчи меҳнат фахрийси:

— Самарқандда кўп бўлганмиз. Аммо бу муаззам шаҳар тонгининг гашти бошқача. Улуғ аждодлар руҳи сафар давомида бизга ҳамроҳ бўлгандек туюлди менга.

Каримхон Усмонов, меҳнат фахрийси:

— Бугун юртимизнинг қай гўшасига борманг, улкан бунёдкорликка шоҳид бўласиз. Қадимий Самарқанд бунёдкорликдан янада улуғворлик, навқиронлик касб этибди.

«Касаба сайр» шўъба корхонаси ташаббуси билан Хоразм ва Самарқанд сафарида бўлган қашқадарёлик меҳмонлар катта таассуротлар билан ўз юртларига жўнаб кетишди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

«IMKON MAKS»НИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Термиз шаҳридаги «Imkon Maks» хусусий корхонаси 2014 йили «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидан 200 миллион сўм миқдорида кредит олиб, зарур технология ва хомашёга эга бўлди.

Айни пайтда беш киши меҳнат қилаётган кичик корхонада йигирма турдан зиёд мебел маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Суратда: ишчи Муҳиддин Алиёров.

ЎзА фотомухбири
Фарҳод АБДУРАСУЛОВ олган сурат

Сўз — халқаро конференция иштирокчиларига

Ўзбекистоннинг шуҳрати йил сайин ошиб бормоқда

ЎзА махсус мухбири 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида ўтган «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференция иштирокчиларининг таассуротлари билан қизиқди.



Ши ЮНЛИ, Хитой Фан ва технологиялар университети тарих ва археология факултети раҳбари, профессор (Хитой):

— Президент Ислом Каримовнинг халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқидан ғоят таъсирландим. Президент Жаноби Олийларининг эътирофига сазовор бўлганимдан бошим осмонга етди.

Ўзбекистонда таълим тизимини ривожлантиришга қаратилаётган эътиборни кўриб чин дилдан қувондим. Болаларнинг соғлом туғилиши, соғлом бўлиб улғайиши, сифатли таълим олиши учун яратилаётган мукаммал шароит ҳар қадамда намоён.

Конференцияда аллома Мирзо Улуғбек илмий фаолиятига оид маърузам билан иштирок этдим. Фаолиятим астрономия соҳасига бевосита боғлиқ бўлгани учун ушбу фан тарихи, унинг ривожланиш босқичларига жуда қизиқаман. Самарқандда бу борадаги кўплаб янги маълумотларга эга бўлдим.

Президент Ислом Каримовнинг илм-фан ривожига қаратаётган алоҳида эътибори самарасида Ўзбекистонда мустақиллик йилларида барча соҳалар қатори астрономия соҳасида ҳам кўплаб етук мутахассислар етишиб чиққани, астрономия, астрофизика ва янги астросейсмология йўналишида турли тадқиқотлар олиб борилаётгани эътиборга молик. Хусусан, Майданак обсерваториясида энг ноёб объект, KH15D юлдузининг ноёб тузилиши ва ҳаракати тадқиқ қилинганидан хабарим бор. Бу каби тадқиқотлар қуёш тизимининг шаклланиш тарзини ҳамда сайёрамизда ҳаётнинг пайдо бўлиш шароитини аниқлашда муҳим ўрин тутади. Ўзбек халқининг ўтмишини, илмий меросини янада кенгроқ тадқиқ қилиш, чуқур ўрганиш истагидаман.

Марио САЛЕРНО, Салерно университети профессори (Италия):

— Халқаро конференция жуда юксак савияда ўтди. Анжуманга ташриф буюрган хорижлик меҳмонлар Ўзбекистонда таълим, илм-фан ва маданият жадал ривожланаётганининг, юртингизда истиқлол йилларида бетимсол ишлар амалга оширилганининг гувоҳи бўлди.

Юртингизда дунё цивилизацияси ривожига беқиёс ҳисса қўшган кўплаб олимлар яшаб ўтган. Улардан бири — Абу Али ибн Сино жаҳон тиббиётининг ёрқин юлдузи, Марказий Осиё халқлари маданиятини Ўрта асрлар шароитида дунё маданиятининг олдинги қаторига олиб чиққан буюк мутафаккирлардан бири сифатида дунёга машҳур.

Буюк аллома меросида халқ табобати алоҳида ўрин тутади. Инсонлар саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳаёт сифатини яхшилашда замонавий тиббиёт билан бирга илмий асосланган халқ табобати ҳам катта аҳамият касб этади. Илм-фан ва адабиётнинг турли йўналишларига оид 450дан зиёд асар яратган, тиббиёт соҳасидаги қатор кашфиётлари бугун ҳам амалда кенг қўлланилаётган бу буюк алломанинг жаҳон илм-фанига қўшган ҳиссаси беқиёсдир.

Ўзбекистонда ўтган ҳар бир куним ниҳоятда фойдали ва унутилмас таассуротларга бой бўлди. Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари билан танишув ҳаётимда ёрқин саҳифа бўлиб қолади. Бунинг учун халқаро конференция ташкилотчиларидан миннатдорман.

Вильфред де ГРААФ, Утрехт университети докторанти (Нидерландия):

— Мазкур халқаро конференцияда иштирок этиш мен учун жуда фойдали бўлди. Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг дунё илм-фани ва цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссасига оид тадқиқот ишларини олиб боряпман.

Бу муқаддас заминда яшаб ўтган буюк аллома ва мутафаккирларнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти, бемисл илмий-ижодий кашфиётлари бугун ҳам жаҳон аҳлини ҳайратга солаётир. Хусусан, Абу Райҳон Беруний жаҳон фанининг тараққиётига ғоят улкан ҳисса қўшган олим, зўр истеъдод эгаси ва заҳматкаш тадқиқотчи бўлган. Унинг ўлмас илмий асарлари жаҳон илм-фани тараққиётида бениҳоят юксак аҳамиятга молик. Ўрта асрларнинг буюк қомусий олимларидан бири Берунийнинг буюклиги ўша даврнинг деярли барча фанларига қўшган бетакрор илмий меросида намоён бўлади. Алломанинг математика фанига қўшган ҳиссаси муҳим аҳамиятга эга. Унинг асарларида геометрия, арифметика, алгебра, сонлар назарияси ва тригонометрия тушунчалари маълум тартиб билан таърифланган.

Мамлакатингиздаги касб-ҳунар коллежларида яратилган шароит, улар замонавий компютер технологиялари билан жиҳозлангани, халқаро стандартларга мос таълим тизимининг йўлга қўйилганлиги барчада ҳавас уйғотди. Эндигина ўн олти ёшга тўлган ўқувчиларнинг тиббиёт, математика, астрономия, жўғрофия каби аниқ фанларни чуқур билиши, бир неча тилларда эркин сўзлаша олишини кўриб ҳайратландик.

ЎзА махсус мухбири Нодира МАНЗУРОВА ёзиб олди

Хонобод ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежида «Билимлар фестивали» ўтказилди. «Андижонкабел» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси ҳомийлигида уюштирилган ушбу тадбирда математика, физика, чизмачилик, ўзбек тили ва адабиёт фанлари бўйича 100 га яқин мактаб, коллеж ўқувчилари қатнашишди. Иштирокчиларнинг барчасига корхона томонидан таъсис этилган қимматбаҳо совғалар, ўқув қуроллари жамланган сумкалар топширилди.

Шу билан бирга, тадбирда юқори натижаларга эришган иқтидорли ўқувчилар ҳамда корхона ишчи-ходимларининг фарзандлари учун ташкил этилган «Ёш кабелчи» тўгараги аъзоларига Тошкент, Урганч, Хива шаҳарларига саёҳат ташкил этилди. Хонободлик ўқувчилар юртимизнинг диққатга сазовор жойларида бўлиб, мустақиллик йилларида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, тарихий обидалар билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдилар.

— Саёҳатдан бир олам таассурот олдик, — дейишди бир гуруҳ ўқувчилар. — Биз зиёратимизга ҳомийлик қилган «Андижонкабел» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси раҳбариятидан миннатдормиз. Шунингдек, уни мазмунли ташкил этишда яқиндан кўмаклашган Андижон, Хоразм вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаларига, Хоразм вилоят Янгиариқ қурилиш ва саноат, Урганч туризм, Хива педагогика ҳамда ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежлари, УрДУ қошидаги 4-академик лицей маъмуриятларига ташаккур билдирамиз.

А.НУРИЛЛАЕВ,
«Андижонкабел» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси

Навоийлик қишлоқ хўжалиги ходимлари, фермер хўжалиги раҳбарларидан таркиб топган 45 аъзо Хоразм сафарига отланди.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси томонидан ташкил этилган саёҳат давомида иштирокчилар дастлаб Хива шаҳридаги Ичан қалъага ташриф буюришди. Асрлар кафтида тобланган бинолар, миноралари катта қизиқиш билан томоша қилишди.

Урганч шаҳрида мустақиллик йилларида барпо этилган Жалолиддин Мангуберди номидаги монумент ва хиёбон, ҳудудда юз бераётган бошқа ўзгаришлар деҳқону соҳибкорларда катта таассурот қолдирди.

Баҳодир АСЛОНОВ,
АСМ ходимлари касаба уюшмаси Навоий вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

Ҳудудий келишувлар — амалда

Ижтимоий шериклик — ҳимоя кафолати

Вилоят ҳокимлиги, Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси ҳамда касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг ҳудудий (минтақавий) келишувлари кўлами ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Ижтимоий шериклик ўзаро муносабатларнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Келишувга мувофиқ, вилоят кенгаши ҳисобида турган юридик шахс мақомига эга бўлган 7013 та хўжалик юритувчи субъектнинг 6788 тасида жамоа шартномалари, 13 та туман миқёсидаги тармоқ келишувлари тузилиб, улар орқали 128532 нафар ходимнинг бандлик, иш ҳақи ва меҳнат муҳофазасига оид ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва интеллектуал манфаатлари қамраб олинган.

Жамоа шартномалари орқали ҳар бир ходимга сарфланган маблағ ўтган йили 523632,9 сўмни ташкил этди. Давлат дастури ижроси юзасидан касаба уюшмалари жойларда ўзларига тегишли барча масалаларда фаол иштирок этиб, ҳукуматимиз қарорлари бажарилишига яқиндан кўмакдош бўлишаяпти.

Ходимлар соғлиғини мустаҳкамлаш борасида ўтган йили ижтимоий суғурта ҳисобидан 286,5 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланиб, 473 киши санаторий-курортларда саломатлигини мустаҳкамлади.

Меҳнат кишисининг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларни жисмонан чиниқтириш борасида муайян тадбирлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда, вилоятда 329 та маънавият-маърифат бурчаги, 45 та бадиий ҳаваскорлик тўгараги иш олиб бораяпти.

Ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида касаба уюшмалари соврини учун 314 та бошланғич ташкилотда ўтказилган «Саломатлиқ» спартакиадасида 17584 киши қатнашган бўлса, ҳаваскор велопойгачилар ўртасидаги «Касаба-тур» веломарафонида мингдан зиёд спортчи иштирок этди. Бошланғич ташкилотларда спорт турлари бўйича спартакиада, турнир ва мусобақаларни ўтказиш анъанага айланган.

Туризмни ривожлантириш касаба уюшма ташкилотларида устувор йўналишлардан бири этиб белгиланган. Ушбу масалани жамоа шартномалари, тармоқ келишувларига киритиш орқали ўтган йили ходимлар ва оила аъзоларидан 1811 нафарининг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон, Марғилон, Термиз, Шаҳрисабз, Қарши каби тарихий шаҳарларга жамоавий саёҳатлари ташкил этилди. Шунингдек, 1587 нафар касаба уюшма аъзоси тарихий қадамжолар ва истиқлол йиллари барпо этилган бунёдкорлик мажмуаларига саёҳатда бўлди.

Болали аёлларга қўшимча имтиёзлар яратиш мақсадида мулк шаклидан қатъи назар, вилоятдаги корхона, хўжалик, ташкилот ва муассасаларда мактаб ёшидаги боласи бўлган ишловчи аёлларга иш ҳақи сақланган ҳолда иш вақтини бир соатга қисқартиришга эришилди. Барча мулк шаклидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда ишловчилар учун энг кам меҳнат таътили 21 иш кунидан кам бўлмаслигига эришиш тавсия этилди.

Кам таъминланган оилаларнинг 911 нафар фарзандига ўқув қуроллари, дарсликлар хариди учун харажатлар қисман қопланди. Фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшга тўлгунга қадар бўлган ёш оилалардан 545 тасига 53,9 миллион сўмлик, ёш оила вакилларининг 2355 нафарига 74,2 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Олий ўқув юртларида қишлоқ жойларидан келиб шартнома асосида таҳсил олаётган 71 нафар талаба учун ўқиш пулларининг бир қисми тўлаб берилди.

Ёлғиз кексаларнинг ижтимоий-маиший эҳтиёжлари, соғлиги ва моддий аҳволини мунтазам равишда мониторинг қилиб бориш йўлга қўйилган. Улардан 19 нафарининг уй-жойи таъмирлаб берилди, 108 нафарига 5,5 миллион сўмлик коммунал хизматлар учун тўловлар қопланди. Айни пайтда 350 нафар ёлғиз кекса ҳолидан хабар олиб турилибди. Уларнинг барчаси тиббий кўрикдан бепул ўтказиб келинмоқда.

Амалдаги жамоа шартномалари орқали 5648 та корхонада асосий узайтирилган таътиллар 116998 нафар ходимга нисбатан татбиқ этилаётган бўлса, 162 та корхонада 1909 нафар ходимга қўшимча таътиллар белгиланган.

Нодавлат сектор ходимларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш борасида жойлардаги касаба уюшма органлари муайян ишларни амалга ошириб келмоқда. Натижада, касаба уюшма ташкилотлари тузилиб, фаолият юритаётган 57 та қўшма корхонада ҳамда 5537 та фермер хўжалигида жамоа шартномалари тузилиб, амалга киритилди.

Хавфсиз иш жойи, техника хавфсизлиги жабҳасидаги талабларнинг сўзсиз бажарилишига жойлардаги касаба уюшма ташкилотлари ҳам бевосита масъулдирлар. Шу мақсадлар учун ўтган йили иш берувчилар томонидан 3958 миллион сўм сарфланди.

Банкрот дея эълон қилинган ва тугатилган корхоналардан бўшатилган ходимларга тегишли бўлган иш ҳақларини ундириш юзасидан касаба уюшма органлари муайян ишларни олиб бормоқда. Корхонада тузилган суд бошқаруви комиссияси кредиторлар йиғилишида иш ҳақи масалалари бўйича қарздорлик талаблари қўйилмоқда.

«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунни ўрганиш мақсадида вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси мутахассислари иштирокида Жиззах шаҳри ва туманлар марказларида, барча мулк шаклидаги ташкилот, корхона ва муассасалар раҳбарлари, кадрлар билан ишловчи ходимлар, ҳуқуқшуносла, бош ҳисобчилар ва бошланғич касаба уюшма қўмиталари раислари билан ўқув-семинарлар ташкил этилмоқда.

Янги иш ўринлари яратиш, аҳолини иш билан таъминлаш юзасидан белгиланган ҳудудий дастур асосида вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳамда вилоят КУТБК ҳамкорлигида тадбирлар режаси қабул қилиниб, бу борадаги амалий ишлар кўлами кенгайтирилмоқда.

Муаммолар ҳам йўқ эмас. Айрим корхоналарда дебитор ва кредитор қарзларнинг миқдори юқорилигича қолмоқда. Иш ҳақидан муддати ўтган қарздорлик миқдори кескин камайишига эришилган бўлсада, агросаноат мажмуаси тизимида бунга ҳали тўла барҳам берилганича йўқ.

Илҳом ТУРСУНОВ,
Жиззах вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири

Қарор ва ижро

Ҳаётимизни электр энергиясисиз тасаввур қилиш қийин. Хонадонларни ёритиш, айрим хўжалик юмушларини бажариш, радио, телевизор, компютерлардан фойдаланишда унга кучли эҳтиёж сезамиз. Бу эса ушбу қувват манбаидан тўғри, қонуний тарзда, тежамкорлик билан самарали фойдаланиш ва барча хавфсизлик талабларига риоя қилишни тақозо этади.

Бугунги кунда Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳар электр таъминоти корхонаси томонидан кўп қаватли уйларда электр ҳисоблагичларни ягона шитга ўрнатиш, марказлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад хонадон эгаларига қулайлик яратишдир.

Мақсад — қулайлик яратиш

Кўп қаватли уйлардаги барча ҳисоблагичлар бир жойга, яъни ягона шитга ўрнатилиб, марказлаштирилганда тармоқ ходимлари томонидан истаган вақтда уларни текшириб кўриш, назорат қилиш, ҳисоблагич рақамлари орқали қайси хонадон электр тўловидан қарздорлигини аниқлаб олиш ёки истеъмолчи хонадонидаги симларни янгилаш, ҳимоя учун ўчиргичлар ўрнатилиши, электр энергиясининг бир хил тақсимланишини таъминлаш осон кечади.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 20 февралдаги 54-сонли баённомасига асосан, шаҳримизнинг барча кичик туманларида электр ҳисоблагич асбобларини тасдиқланган жадвал асосида бино ва уйларнинг кириш-чиқиш йўлакларига жорий йилнинг сентябр ойигача ўрнатиш учун электр таъминоти махсус бригадаси иш олиб бормоқда, — дейди Чирчиқ шаҳар электр тармоқлари корхонаси тижоратчи техник ходими Фарҳод Гаипов. — Бугун шаҳримизда 47 минг 466 та истеъмолчи мавжуд. Бекзод Жўраев, Ҳурмат Эрматов, Ихтиёр Ҳасанов, Достон Миралиев сингари ўз ишининг моҳир усталаридан иборат махсус бригада белгиланган режага мувофиқ жадаллик билан иш олиб бормоқда.

Илҳом РАҲМОНОВ

Ариза ортида инсон тақдири

Касабақўм розилиги керак...

Қувонарли жиҳати, ариза ва шикоятлар таҳлили ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан мурожаатлар камайганидан далолат беради. Шунга қарамай, айрим корхона ва ташкилотларда ходимлар манфаатига зид қонунбузилишлар учраётганидан ҳам асло кўз юмиб бўлмайди.

Хонобод шаҳри Гулистон кўчасида яшовчи Ҳ.Назиров шу йилнинг 11 феврал куни «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти Андижон филиали иш берувчиси томонидан меҳнат шартномаси ноқонуний бекор қилинганлигини билдириб ариза билан мурожаат қилди. Ўрганиш жараёнида аниқландики, у 2005 йилдан буён Хонобод почта алоқа тармоғи бошлиғи лавозимида ишлаб келган. Филиалнинг 2014 йил 10 феврал кунги 95-х-сонли буйруғи билан ишдан бўшатилган.



Меҳнат кодексининг 101-моддасида: «Башарти жамоа келишуви ёки жамоа шартномасида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш учун касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органининг олдиндан розилигини олиш назарда тутилган бўлса, шартномани бундай розиликни олмай туриб бекор қилишга йўл қўйилмайди» деб кўрсатилган. Шунингдек, «Ўзбекистон почтаси» очиқ акционерлик жамияти Андижон филиалининг 2012-2014 йиллар учун қабул қилинган жамоа шартномасининг 6.1. бандида «Иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасининг бекор қилиниши фақат касаба уюшма қўмитасининг олдиндан розилигини олиб амалга оширилади», «Ички меҳнат тартиб қоидалари»нинг 2.31 бандида эса «Касаба уюшма қўмитаси розилигини олмай туриб меҳнат шартномасини иш берувчи ташаббуси билан бекор қилинишига йўл қўйилмайди» деб белгиланган. Аммо Хонобод почта алоқа тармоғи бошлиғи вазифасида ишловчи Ҳ.Назиров билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишда мазкур талабга риоя этилмаган.

Ушбу ҳолатни инобатга олиб, «Ўзбекистон почтаси» очиқ акционерлик жамияти Андижон филиали директорига қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан тақдимнома киритилиб, фуқаро Ҳ.Назировнинг қонуний ҳуқуқи тикланди.

Ҳ. УСМОНОВ,
Андижон вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлим мудири

Семинар

Сирдарё туман ҳокимлигида Президентимизнинг 2012 йил 18 июлдаги «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижроси юзасидан давлат солиқ хизмати органлари олдида турган вазифалар ҳамда солиқ тўловчилар томонидан топшириладиган солиқ ва молиявий ҳисоботларни тўлиқ электрон кўринишда тақдим этиш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари, хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ва бош ҳисобчилари иштирок этди.

Электрон ҳисобот

Туман ДСИ бошлиғи Н.Холиқов солиқ ва молиявий ҳисоботларни электрон кўринишда тақдим этишнинг афзалликлари тўғрисида тўхталиб, ДСҚнинг «Электрон солиқ ҳисоботини қабул қилиш ва қайта ишлаш, электрон солиқ ҳисоботини жўнатиш» интерактив хизмати орқали амалга оширилаётганлигини таъкидлади.

«Камерал назорат» шўъбаси бошлиғи У.Усмонов тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари ва бухгалтерларнинг ҳисоботларини электрон тартибда тақдим этиши кичик камерал назорати вазифасини ҳам ўташини маълум қилди.

Семинар-тренинг давомида ахборот-коммуникация технологиялари тармоғида фаолият юритаётган миллий дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи гуруҳ томонидан тайёрланган «EREPORT» янги инновация дастурий маҳсулотининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Анжуманда жорий йил охирига қадар барча тадбиркорлик субъектлари статистик, солиқ ва молиявий ҳисоботларни топширишнинг электрон тизимига тўлиқ ўтказилиши белгиланганлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«Ishonch» мухбири

Реклама ва эълонлар

«Navoiy mulk markazi» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Савдога Навоий вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасининг 2014 йил 23 апрелдаги 01-23/762-07-сонли буюртмасига асосан Навоий шаҳар, Навоий кўчаси, 51-уйда сақланаётган, таъмирталаб, 2004 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 85 289 AAA бўлган, «Нексия донс» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 11 006 368 сўм.

Савдо 2014 йил 23 июн куни соат 15:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 20 июн куни соат 18:00.

Автотранспорт воситаси 2014 йил 23 июн куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдо 2014 йил 7 июл куни соат 15:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: Такрорий савдо учун 2014 йил 4 июл куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 иш куни ичида тўловларни тўлиқ амалга ошириш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, АТ «Ипотека банк» Навоий филиали қўйидаги ҳисоб рақамга тўлашлари шарт. 20208000704943164001, МФО 00205, СТИР 302132768.

Савдо ўтказиладиган манзил: Навоий шаҳар, П.Очилов кўчаси, 24-уй. Тел: 8 (436) 22-4-64-31. www.rmm.uz. Гувоҳнома 1605. **Хизматлар лицензияланган.**

«Surxondaryo mulk markazi» MChJда бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Сурхондарё вилоят Давлат Ветеринария бошқармасининг 16.04.2014 йилдаги № 01-27/99-сонли хати ҳамда Шеробод туман, Давлат ветеринария бўлимининг 17.04.2014 йилдаги № 01-19/74-сонли хатига асосан, Шеробод туман, Давлат ветеринария бўлимига тегишли, Шеробод туман «Охунбобоев» маҳалласи С.Абдуқаҳҳор кўчаси, 3-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда;

1. ГАЗ-5204 русумли, д/р 19 АА 892 бўлган, 1987 й и/ч таъмирталаб автомашина. **Бошланғич баҳоси 444 793 сўм.**

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Ўзагросуғурта ДАСК (ОАЖ)нинг 18.03.2014 йилдаги №10-05/530-сонли хати ҳамда Сурхондарё вилоят Ўзагросуғурта ДАСК (ОАЖ) Термиз шаҳар бўлимининг 19.05.2014 йилдаги № 03/66-сонли хатига асосан, Ўзагросуғурта ДАСК (ОАЖ) Термиз шаҳар бўлимига тегишли, Термиз шаҳар, М.Қошғарий кўчаси, 36-^ уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда;

1. Нексия русумли, д/р 75/127 ЕАА бўлган, 2002 й и/ч таъмирталаб автомашина. **Бошланғич баҳоси 5 100 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2014 йил 25 июн куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги мулк 2014 йил 25 июндаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2014 йил 2 июл, 2014 йил 9 июл кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 25 июн учун 2014 йил 24 июн, 2014 йил 2 июл учун 2014 йил 1 июн куни, 2014 йил 9 июл учун 2014 йил 8 июл куни соат 18:00.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини SMM МЧЖнинг ХОАББ «Траст банк» Термиз шаҳар филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20208000904941294001, МФО: 01063, СТИР: 302125729.

Манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар, Ф.Хўжаев кўчаси 32-уй, «Тадбиркорлар маркази» биноси 6-хона. Тел: (8376) 221-77-94. *25 октябр 2011 йилдаги реестр рақами 972-сонли гувоҳнома.*

«Surxondaryo mulk markazi» MChJда бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Жарқўрғон тумани, «Исмоил МС» фермер хўжалиги суд тугатиш бошқарувчиси томонидан Сурхондарё вилоят хўжалик судининг 2013 йил 20 июндаги 19-1308/3834-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб эътироф этилган ва «Исмоил МС» фермер хўжалиги кредиторларнинг 2014 йил 12 майдаги № 5-сонли йиғилиш баённомасига асосан «Исмоил МС» фермер хўжалигига тегишли, Жарқўрғон туман, «Соқчи» маҳалласида сақланаётган қуйидаги қишлоқ хўжалик техникалари қўйилмоқда;

1. «Т-4 А,01» русумли д/р 28-87 СМ бўлган 2006 йил и/ч трактор. Бошланғич баҳоси 35 627 059,2 сўм.
2. «МТЗ-80х» русумли д/р 51-97 СМ бўлган 1986 йил и/ч трактор. Бошланғич баҳоси 4 091 366,4 сўм.
3. «МТЗ-80х» русумли д/р 09-88 СМ бўлган 1982 йил и/ч трактор. Бошланғич баҳоси 3 994 137,6 сўм.
4. «2 ПТС-4-793» русумли д/р 95-26 СМ бўлган 1992 йил и/ч тиркама. Бошланғич баҳоси 986 956,8 сўм.
5. «2 ПТС-4-793» русумли д/р 95-31 СМ бўлган 1992 йил и/ч тиркама. Бошланғич баҳоси 986 956,8 сўм.
6. «2 ПТС-4-793» русумли д/р 07-34 СМ бўлган 2004 йил и/ч тиркама. Бошланғич баҳоси 986 956,8 сўм.

Аукцион савдосига Жарқўрғон тумани «Элиёр Жаҳонгир» фермер хўжалиги суд тугатиш бошқарувчиси томонидан, Сурхондарё вилоят хўжалик судининг 2013 йил 20 июндаги 19-1308/3831-сонли Ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб эътироф этилган ва «Элиёр Жаҳонгир» фермер хўжалиги кредиторларнинг 2014 йил 12 январдаги № 5-сонли йиғилиш баённомасига асосан «Элиёр Жаҳонгир» фермер хўжалигига тегишли, «Соқчи» маҳалласида сақланаётган «Шевроле Нива» русумли д/р 19 AF 055 бўлган 2007 йил и/ч автомашина қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси 13 916 851 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 10 июн куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.

Юқоридаги мулк 2014 йил 10 июндаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2014 йил 17 июн, 2014 йил 24 июн кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 10 июн учун 2014 йил 9 июн, 2014 йил 17 июн учун 2014 йил 16 июн куни, 2014 йил 24 июн учун 2014 йил 23 июн куни соат 18:00.

Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан тугатиш бошқарувчиси иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини SMM МЧЖнинг ХОАББ «Траст банк» Термиз шаҳар филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20208000904941294001, МФО: 01063, СТИР: 302125729.

Манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар, Ф.Хўжаев кўчаси, 32-уй, «Тадбиркорлар маркази» биноси 6-хона. Тел: (8376) 221-77-94. *25 октябр 2011 йилдаги реестр рақами 972-сонли гувоҳнома.* **Хизматлар лицензияланган.**

ТУЗАТИШ

«Surxondaryo mulk markazi» МЧЖ томонидан «Ishonch» газетасининг 24.04.2014 йилдаги 51 (3400)-сонида эълон матнига мувофиқ очиқ аукцион савдосига қўйилган «Тоқчиён имкон» ММТП МЧЖ балансида бўлган, ГАЗ-3307 русумли, д/р 75 036 НАА бўлган, 1991 йилда и/ч таъмирталаб автомашинанинг бошланғич баҳоси 1 815 171 сўм деб ўқилсин.

Олам ва одам

Автоҳалокат

Колумбия шимолида юз берган автоҳалокат туфайли 32 нафар киши ҳаётдан кўз юмди.

Фундасон шаҳри яқинида автобус ёниб кетганлиги оқибатида 32 нафар йўловчининг барчаси ҳалок бўлди. Йўловчиларнинг 19 нафари болалар эди.

Ҳалокат болаларни диний маросимдан олиб келинаётганда содир бўлган. Ҳалокат сабаблари ҳозирча ошкор қилинмаяпти. Мамлакат президенти Хуан Мануэл Сантос ҳалок бўлганларнинг яқинларига таъзия изҳор қилди.

Масъулиятсизлик қурбонлари

«Севол» кемаси чўкиши оқибатида ҳалок бўлганлар сони 285 нафарга етди, 19 кишининг тақдири эса номаълумлигича қолмоқда.

Маълумки, бортида 476 киши бўлган «Севол» йўловчи кемаси шу йилнинг 16 апрел куни ҳалокатга учраган эди. Йўловчиларнинг аксарияти Чежудо оролига саёҳатга отланган мактаб ўқувчилари бўлган.

Мазкур ҳалокат юзасидан жиноят иши очилган бўлиб, 20 нафарга яқин киши полиция томонидан қўлга олинган. Маълумотларга кўра, капитан йўловчи қиёфасида чўкаётган кемани биринчилардан бўлиб тарк этган. Боз устига кема экипажи одамларни эвакуация қилиш ўрнига, уларни ўз жойларида қолишга чақириб, чалғитган ҳам.

Метеорит ёмғири

Астроном олимлар 24 май куни сўнгги 14 йил ичида энг йирик метеорит ёмғири кузатилишини маълум қилишмоқда.

Мазкур ҳодисани сайёранинг ҳар қандай нуқтасидан, айниқса, Шимолий Америкадан кузатиш мумкин бўлади.

«Юлдузлар учиши» ҳодисаси Ернинг ЛИНЕАР кометаси қолдирган чанг булутидан ўтиши натижасида содир бўлади. Олимларнинг тахминича, ҳар соатда сайёрамиз атмосферасига 1000 та метеорит ёғилади.

Профессор Келли Биттининг таъкидлашича, ушбу метеорит ёмғири сўнгги 250 йил ичида энг ёрқини бўлади. «Барча шарт-шароитлар бунга имкон яратади», — дейди у.

Энг йирик динозавр

Аргентиналик палеонтологлар фанга маълум бўлган жониворларнинг энг йирик вакили қолдиқларини топишди.

Аргентинанинг Чубут провинциясидан топилган 200 дан зиёд суяк қолдиқлари еттита улкан динозаврга тегишли, дея тахмин қилинмоқда.

Бундан аввалроқ олимлар динозаврлар суяк тизимининг айрим қисмларинигина топишга муваффақ бўлишганди. Бу гал эса мутахассислар динозаврларнинг тошга айланиб қолган гавда, бош мия, дум, бўйин, орқа оёқлари ва тиш суяклари жамланмасига дуч келишди.

Маҳаллий фермер томонидан тасодифан топилган динозавр сайёрадаги энг йирик жонивор бўлиб, унинг вазни чамаси 77 тонна бўлган. Бошидан то думигача узунлиги 40 метрлар атрофида, баландлиги эса 20 метрлар бўлгани тахмин қилинмоқда. Унинг баҳайбатлиги етти



қаватли бино билан, вазни эса 14 та фил оғирлигида бўлган. Мазкур жониворлар бундан 10 миллион йиллар муқаддам Патагония ўрмонларида яшаб, ўсимликлар билан озиқланган.

Айни пайтда, Патагониядан топилган динозавр қолдиқлари нима сабабдан бир-бирига бунчалик яқин жойлашгани сабаби олимлар учун жумбоқ бўлиб турибди. Шунингдек, олимларга бу улкан ва оғир жониворларнинг ер сатҳида қандай ҳаракатлангани ҳам сирлигича қолмоқда.

Автомобил учун 5 тонна танга

Хитойлик фуқаро янги автомобил сотиб олиш учун 1 юанлик 5 тонна танга тўлашини билдирди. Бироқ, сотувчи фақат 2,5 тонна пулни қабул қилди, деб ёзади Chinatopix интернет портали.

Харидор Soueast русумли автомобилни 100 минг юан (16 минг АҚШ доллари) эвазига сотиб олиб, Гиннес рекордлари китобига киришга эришди.

Айтилишича, харидор автосалон раҳбариятини тўловни тангалар билан амалга ошириши ҳақида огоҳлантирган. Мижозни қўлдан чиқармаслик мақсадида менежер унинг бу таклифига рози бўлади. Энг қизиғи шундан сўнг бошланди. Ахир шунча миқдордаги тангаларни санаб олишнинг ўзи бўладими?! Чиндан ҳам автосалон ходимлари, бир неча соат ичида 50 минг тангани ҳисоблашди, холос. Харидор-чи дерсиз? У ушбу вақт мобайнида бемалол кино томоша қилиш билан банд бўлди.

Охири автосалон раҳбариятининг сабри тўлиб, қолган суммани кредит карта орқали тўлашни сўради ва харидор ҳам бунга рози бўлиб қўя қолди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Ҳаракат хавфсизлиги

Республикамиздаги темир йўлларни кўплаб автомобил трассалари кесиб ўтади. Ҳозирда уларнинг 28 фоизида қўриқланадиган йўл кесишмалари бўлиб, ҳайдовчи ва йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш учун тақиқловчи ва огоҳлантирувчи стандарт кўрсаткичлар, белгилар ҳамда замонавий автоматлаштирилган кўтарилувчи тўсиқ қурилмалари ўрнатилган.

Йўл кесишмалари соз бўлсин

Яқинда «Ўздавтемирйўлназорат» инспекциясининг Тошкент филиали томонидан Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятларидаги йўл кесишмаларида баҳорги кўрик ўтказилди. Унда ҳар бир вилоятнинг йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл назорати бўлими муҳандислари ҳам қатнашди. Текширишларда Тошкент, Солар йўл масофалари ҳамда Чиноз, Янгийўл, Зангиота, Оҳангарон, Ўрта Чирчиқ, Бўстонлиқ, Қибрай туманлари темирйўл хўжалиги пудрат таъмирлаш фойдаланиш корхоналарига қарашли жойларда кўплаб камчиликлар аниқланди. Мисол учун, темирйўл ёки шлагбаумли темирйўл кесишмасига яқинлашишни эслатувчи йўл белгилари, қўл шлагбаумлари эскириб кетган. Шунингдек, ўқ чизиқлари янгиланиши, автомобил йўлидаги уйдум-чуқурлар, 1-тоифали тўсиқлар, пиёдалар учун ажратилган йўлаклар таъмирланиши лозим. Ёруғлик нури қайтаргичлари етарли эмаслиги, қўл фонарларини янгилаш зарурлиги, йўлнинг қатнов қисмидаги оқава сувларни қочириш кераклиги, автомат тўсиқларга нур қайтаргичлар ўрнатилмаганлиги, темирйўл кесишмаларининг асфалтланмаганлиги, ётиқ йўл чизиқларининг йўқлиги каби кўплаб камчиликлар ҳам тилга олиб ўтилди.

Бундай нуқсонлар Сирдарё вилоятидаги Ховос темирйўл масофаси ва «Сирдарёавтойўл» корхонаси, Жиззах темирйўл масофаси ва «Жиззахавтойўл» корхонасига қарашли йўл кесишмаларида ҳам аниқланиб, ушбу корхоналарга уларни тузатиш учун кўрсатмалар берилди.

Йўл кесишмаси техник жиҳатдан қанчалик соз бўлса, булар ҳайдовчи ва йўловчилар хавфсизлигига, автомобилларнинг равон қатновига ҳайдовчиларнинг қонун-қоидаларни бузмаслигига кафолатдир.

Ҳусниддин ОТАХЎЖАЕВ,
«Ўздавтемирйўлназорат» инспекциясининг Тошкент филиали бошлиғи

Ishonch
2014-yil 22-may № 62 (3411)

Фестивал

«Китоб бизни бирлаштиради»

Ғафур Ғуломнинг «Шум бола»си, Худойберди Тўхтабоевнинг саргузаштларга бой асарлари ва бошқа кўплаб адибларимизнинг ижод намуналари дунёнинг юзлаб тилларига таржима қилинган. Ака-ука Гримм эртаклари-ю Николай Носовнинг «Билмасвой»и, Чингиз Айтматовнинг «Оқ кема»си-ю Андерсеннинг «Қор маликаси»ни ўзбек болалари севиб мутолаа қилишади. Ўқувчи бу асарлар орқали Ватанни севиш, миллий қадриятларни эъзозлаш, катталарга ҳурмат, кичикларга иззатда бўлиш, доимо яхшилик қилиш каби хислатлар билан тарбияланади. Умуман, китоб қайси тилда бўлмасин, инсоният маънавиятини шакллантирувчи, халқларни бирлаштириб, эзгу мақсадлар сари етакловчи беқиёс куч ҳисобланади.

Пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида ўтказилган «Китоб бизни бирлаштиради» номли фестивалнинг мақсади ҳам шундан иборат бўлди. Халқ таълими вазирлиги, Республика болалар кутубхонаси, Байналмилал маданият маркази ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан ташкил қилинган ушбу тадбирда Тошкент шаҳридаги Ахборот-ресурс марказларининг фаол китобхонлари ҳамда юртимизда истиқомат қилаётган турли миллат вакилларининг китобсевар фарзандлари қатнашди.

— Кутубхонамиз фондида бугунги кунда 220 мингга яқин ўзбек ва жаҳон халқлари болалар адабиёти сақланмоқда, — дейди Республика болалар кутубхонаси директори Дониёр Ўролов. — Китобхонларга икки йўналишда анъанавий ҳамда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланилган ҳолда хизмат кўрсатилади. Интернет тармоғидаги www.kitob.uz сайти орқали Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси билан ҳамкорликда таниқли шоир ва ёзувчилар иштирокида ҳар ойда on-line dars мулоқотлар ташкил қилинмоқда.

Фестивалда турли миллатлар қўшиқлари, рақслар ижро этилди. Фаол китобхонларга ташкилотчиларнинг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари тақдим қилинди.

Баҳром НОРМУРОДОВ.
Улуғбек ХАЛИЛОВ
олган сурат

Спорт оламида

Велоспорт

Куала-Лумпур (Малайзия) шаҳрида «Жануби-шарқий Осиё» Гран-при турнири якунига етди. Унда иштирок этган велоспортчиларимиз ажойиб ғалабаларни қўлга киритишди.

ҒАЛАБА ШУНДАЙ БЎЛСА-ДА!

«Омниум» пойгаларида қатнашган вакилимиз Тимур Гумеров барча рақибларини ортда қолдириб, финиш чизиғини биринчи бўлиб кесиб ўтди.

Жамоавий пойгаларда юртимиз шарафини ҳимоя қилган термамиз аъзолари — Владимир Тўйчиев, Тимур Гумеров, Дмитрий Лозовой, Сергей Медведев, Руслан Федоров 4 дақиқа 29 сония натижа билан кумуш медаллар соҳибига айланишди. Мазкур кўрсаткич велоспортчиларимиз «Халқаро тоифадаги спорт устаси» талабларини бажарганликларини ҳам англатади.

Очколар учун пойгаларда иштирок этган Владимир Тўйчиев олтин, Тимур Гумеров бронза медалларини ғазнамизга қўшиб қўйганлиги ҳам эътиборга лойиқ. Шунингдек, ҳар бир велоспортчимиз муҳим рейтинг очколарига эга бўлишди.

Теннис

Самарқанд шаҳрида ўтказилган «Челенжер» туркумига кирувчи халқаро турнирда ҳамюртимиз Фаррух Дўстов яккалик баҳсларида бош совринни қўлга киритди.

ФАРРУХ — ТУРНИР ҒОЛИБИ

Ҳал қилувчи финал учрашувида ҳамюртимиз россиялик Аслан Карацевни 7:6, 6:1 ҳисобида мағлуб этиб, бош совринни ўзиники қилди.

Фаррух Дўстов мазкур турнир давомида словакиялик Адриан Сикорани 6:1, 3:6, 6:1, голландиялик Ван дер Дуимни 6:4, 6:4, россиялик Валерий Рудневни 6:3, 6:2, голландиялик Бой Вестерхофни 6:4, 6:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Эслатиб ўтамиз, Фаррух Дўстов 2012 йили бўлиб ўтган ушбу халқаро турнирда финалга қадар етиб келган. 2011 йил ўтказилган мусобақада эса Ўзбекистоннинг биринчи рақамли теннисчиси Денис Истомин бош соврин соҳиби бўлган эди.

Регби

Халқаро Регби кенгаши (IRB) Дублин шаҳри (Ирландия)да ўтказилган йиллик ҳисобот йиғилишида Ўзбекистон регби федерациясининг доимий аъзоликка кириш бўйича аризаси қўллаб-қувватланди.

АЪЗОЛИК МУБОРАК!

Йиғилишда Халқаро Регби кенгашининг президенти Бернард Лапассет юртимизда регби спорт турини ривожлантириш борасида катта имкониятлар мавжуд эканлигини ва Ўзбекистон Регби федерациясини Халқаро Регби кенгашининг тўлақонли аъзоси бўлганлигидан хурсанд эканлигини эътироф этди.

Шу тариқа Халқаро регби кенгашининг доимий аъзолари сони 102 тага етди. Бугунги кунда ер юзида регби билан 6,6 миллион одам мунтазам равишда шуғулланмоқда.

Адҳам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири

Музейлар ойлиги

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда бир қатор вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида мамлакатимизда музейлар ойлиги ўтказилмоқда. «Музейлар — бой тарихимиз ва бетакрор маданиятимиз хазинаси» мавзуида ташкил этилаётган ушбу тадбирлардан кўзда тутилган асосий мақсад ёш авлодда миллий ва умуминсоний қадриятларни эъзозлаш, Ватанга садоқат туйғуларини кучайтириш, уларни мустақил фикрлайдиган етук инсонлар қилиб тарбиялашга кўмаклашишдир.

Бой тарих ва бетакрор маданият хазинаси

Ойлик доирасида музейлар, бадиий галереялар ҳамда уй-музейларида кўргазмалар, викториналар ва кўрик-танловлар, илмий-амалий семинарлар, анжуманлар, бадиий ҳаваскорлик жамоалари, шоир ва ёзувчилар, рассом, ҳайкалтарош, ҳунарманд ва бошқа кўплаб мутахассислар билан учрашувлар ташкиллаштирилиб, музей экспозицияларига саёҳатлар уюштирилмоқда. «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари учун эса сайёр тадбирлар ташкил этилаяпти.

Маданият ва санъат кўргазмасида «Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот» мавзуида очилган экспозициядан юртимиз музейларида сақланаётган бетакрор экспонатлар, суратлар, амалий санъат буюмлари, фото кўргазмалари, ёш уста, ҳунарманд ва архитекторлар асарларидан намуналар ўрин олгани, айниқса, шу жойнинг ўзида уста кулол, ҳунарманд, рассомларнинг ёш иқтидор эгаларига маҳорат сабоқларини ўтказиши барчада катта таассурот қолдирди. «Ниҳол» мукофоти совриндорлари ижросидаги куй-қўшиқлар тадбирга кўтаринкилик бағишлади.

— Курсдош дўстларим билан музейларга тез-тез бориб турамиз. Яқинда «Қатағон қурбонлари хотираси» музейида бўлдик. У ердаги экспонатлар билан танишиб, халқимиз бошига тушган ўша қора кунлар даҳшатини ҳис этдик, — дейди Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси талабаси Дилсўз Юнусова. — Бугунги экспозициядан ҳам катта маънавий озуқа олдик. Бу биз, ёшларни бугун юртимизда ҳукм сураётган тинч ва осойишта ҳаётни, яратилган имкониятларни қадрлашга ўргатади.

Нигора САТТОРОВА,
ЎзМУ талабаси

ҚАРДОШЛИК ОИЛАСИДА

Нишон тумани Толлимаржон шаҳрида турли миллат вакиллари иштирокида бўлиб ўтган дўстлик кечаси диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик мавзусига бағишланди.

Ўзбекистоннинг чегара ҳудудида жойлашган ушбу чўлқуварлар масканида 21 миллат ва элат вакиллари умргузаронлик қилади. Улар аҳил ва иноқ турмуш кечириб, Қарши даштини ўзлаштиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Анжуманда сўзга чиққанлар мамлакатимизда миллатлараро тотувлик, ҳамдўстлик, барча ютуқларнинг асоси бўлаётгани ҳақида фахрланиб гапирдилар.

Тадбирда турли халқларнинг куй-қўшиқлари янгради.

Иззат ҲИКМАТОВ

Матбуот анжумани

Миллий матбуот марказида Халқ таълими вазирлиги томонидан «2013-2014 ўқув йили якунлари: амалга оширилган ишлар, истиқболдаги устувор вазифалар» мавзуида анжуман ўтказилди. Унда вазирлик раҳбарияти, бошқарма ва бўлим бошлиқлари, турли давлат, тармоқ мукофотлари билан тақдирланган устоз-мураббийлар ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этди.

Таълим тизими истиқболлари

Анжуманда таъкидландики, жорий йилда 3024 та умумтаълим мактаби ҳамда 48 та болалар мусиқа ва санъат мактаби мебел, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компютер техникаси, спорт анжомлари ва мусиқа чолғу асбоб-ускуналари билан жиҳозланиб, бошланғич синф чет тиллари кабинетлари 4193 синф техник воситалар ҳамда юқори синф чет тиллари кабинетлари 1500 тўплам компютер техникалари мажмуаси билан таъминланади. 2014-2015 ўқув йили бошлангунига қадар 115 та спорт иншооти фойдаланишга топширилади. Спорт объектлари ўзимизда ишлаб чиқарилган 90 номдаги спорт инвентарлари билан таъминланмоқда.

2013-2014 ўқув йилидан бошлаб юртимизнинг барча умумтаълим мактабларининг 1-синфларида чет тили фанини ўқитиш йўлга қўйилди. Чет тиллари кабинетларини замонавий ахборот-коммуникация, ўқитишнинг техник воситалари ва анжомлари билан жиҳозлашни (қўшимча жиҳозлашни) жадаллаштириш Дастури доирасида шу кунга қадар 2457 та бошланғич синф жиҳозланди. 2016 йилга келиб тўлиқ жиҳозланган хоналар сони 17 минг 222 тага етказилади.

Шу ўринда айтиш керакки, 2014 йилнинг 13 январидан 20 мартига қадар 2-синфлар учун чет тилларига оид дарслик мажмуалари инглиз тилидан 80 та, немис тилидан 28 та ва француз тилидан 28 та таянч мактабларда тажриба-синовдан ўтказилди. Инглиз тили дарслик мажмуалари Буюк Британиялик эксперт Венди Арнолд хоним томонидан такомиллаштирилди.

Чет тили бўйича таянч мактабларда олий таълим муассасалари, малака ошириш институтларининг тажрибали чет тили мутахассислари, тренер-ўқитувчилар иштирокида «Маҳорат мактаблари» фаолияти йўлга қўйилди.

Тадбирда, шунингдек, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган бошқа масалалар юзасидан ҳам маълумот берилди.

Салим АБДУРАҲМОНОВ

Реклама ўрнида

Чотқол дарёси бўйида жойлашган
«КОНСТРУКТОР»
Болалар соғломлаштириш оромгоҳи
йўлланмалар харид қилиш учун талабномалар қабул қилади

Соғломлаштириш мавсуми 15 кунлик 4 сменада ташкил этилади. Йўлланма нархи — 378 минг сўм. Дам олувчилар 5 маҳал овқат билан таъминланади. Турли хил дастурлар ва бассейн болалар ихтиёрида.

Мавсумнинг бошланиши —13. 06. 2014 й.

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Ғалаба 1-уй. Тел: 248-15-01, Факс: 248-10-03, 991-18-21.

Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: B.Rizayev
Navbatchi: S.Abdurahmonov
Musahhih: N.Umarova

Bosishga topshirish vaqti -04.10
Topshirildi - 05.10

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 518 20737 nusxada bosildi 2345